# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 21 июль, № 141 (6576) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### 6800 дан зиёд иш ўринлари яратилди

**Қорақалпоғистон Республикаси**

Оролбўйи минтақасида кейинги икки йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 145 миллиард сўм ҳамда 360 минг АҚШ долларилик сармоя ҳисобига 3422 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 6800 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Тахтакўпир туманидаги “Муяссар” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Яқинда кичик бизнес субъекти жамоаси ўз фаолиятини кенгайтириб, транспортларга сервис хизмати кўрсатишга киришди.

— Банкнинг 110 миллион сўмлик кредити эвазига илғор ускуналар келтириб ўрнатдик, — дейди МЧЖ раҳбари Алишер Исмамутов. — Натижада доимий иш билан таъминланганлар сони 42 нафарга етди. Ҳозир улар томонидан ойига 13 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилаяпти.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қўшма корхонанинг янги лойиҳаси

**Бухоро**

Вобкент туманидаги “Buxara laminant luxe” қўшма корхонаси жорий йилнинг ўтган даврида буюртмачиларга 300 тонна маҳсулот жўнатди.

Полиэтилен пакетлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур саноат субъекти 1 миллион 20 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Бу ерда тайёрланаётган ашёлар юқори сифати ва арзонлиги билан мижозларга манзур бўлаяпти.

Айни пайтда қўшма корхона таъсисчилари юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитидан фойдаланиб, фаолиятни кенгайтириш тараддудида. Чунончи, янги маҳсулот — намлантирилган салфетка ишлаб чиқариш мақсадида 850 миллион сўмлик технологик линия харид қилинди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳсулотнинг асосий қисми экспортга

**Наманган**

Вилоят марказидаги “Асадбек Ойдина савдо” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари ишлаб чиқариш қуввати ва экспорт ҳажмини кўпайтириш имконини берди.

Бунинг учун корхонага 40 дан ортиқ юқори унумли дастгоҳлар ўрнатилди. Улар ёрдамида ойига беш минг дона кийим-кечак тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 300 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 85 фоизи ташқи бозорда сотилди.

— Буюртмалар портфелидан бир қатор экспорт шартномалари ўрин олган, — дейди МЧЖ раҳбари Аюбхон Тўражонов. — Ҳозирги кунгача чет эллик ҳамкорларимизга 73 минг АҚШ долларилик товарлар етказиб бердик.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоятда 2016 йилнинг биринчи чорагида шу каби кичик бизнес субъектлари томонидан 139,5 миллион АҚШ долларига тенг ташқи савдо амалиёти бажарилиб, ўтган йилдагига нисбатан 28,3 фоиз ўсишга эришилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 20 июль куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, экспорт, нефть-газ, банк-молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, авиаташув, фармацевтика, юқори технологиялар, сайёҳлик, транспорт ҳамда транспорт коммуникациялари, кимё, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Элёр Ғаниев мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Франция Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги фаол ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ҳамда ҳимоялашга, иқтисодиёт, фан-техника, маданият ва ҳаво транспорти соҳаларида ҳамкорликка оид битимлар ўзаро алоқалар ривожига хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз макроиқтисодиёт, молия, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Юртимиз олимлари франциялик мутахассислар билан биргаликда қуёш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, селекция каби соҳаларда тадқиқотлар олиб бормоқда.

Савдо соҳасида Ўзбекистон билан Франция ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2015 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 300 миллион доллардан ошди. Жорий йилнинг январь — июнь ойларида ушбу кўрсаткич 150 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Мамлакатимизда франциялик сармоядорлар иштирокида 15 корхона тузилган. Франциянинг 11 компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

(Давоми 2-бетда).

## Аҳоли фаровонлигини юксалтириш — устувор мақсад




*Ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда эришаётган ютуқларимиз кўлами йил сайин кенгайиб, кўпчиликнинг ҳавасу ҳайратини оширмоқда. Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, янгиланиш ва улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Ҳар бир шаҳар, туман, қишлоқ ҳамда маҳалла тобора чирой очаяпти.*

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида иқтисодиёти бир ёқлама шаклланган, асосан, хом ашё етказиб беришга мослашган қолоқ республикадан барча соҳа жадал суръатлар билан ўсиб бораётган, тобора тараққий топаётган давлатга айланди. Буни халқимиз ўз турмушида кўриб-билиб турибди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида депутатлар ва сенаторлар билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида “Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки йилларда бизга ҳеч ким четдан келиб ёрдам бергани йўқ. Агар 25 йил олдинги тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани яққол аён бўлади. Бизга эски мустабид тузумдан бир ёқлама ривожланган, пахта монополияси авж олган, асосан, хом ашё етказиб беришга мослашган заиф ва ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди”, дея чуқур мулоҳазали фикрни билдириб ўтди.

Дарҳақиқат, ортга назар ташласак, мустақил тараққиёт йилларида юртимиз иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар эса 12 баробар кўпайди. Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Жаҳонда “ўзбек модели” деб эътироф қилинаётган тараққиёт йўли, узоқ истиқболни кўзда тутувчи машҳур беш тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилиши бугунги барча амалий саъй-ҳаракатларнинг мустаҳкам пойдевори, тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Бунда, энг аввало, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш вазифалари белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар, хусусан, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал равнақ топмоқда. Мазкур соҳа вакиллари томонидан тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам тобора харидоргир бўлиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

**КИЧИК БИЗНЕС**




Бундан уч йил аввал Наманган туманида фаолият бошлаган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Aisha home textile” қўшма корхонаси — ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйиб олган илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Дастлаб бу ерга сакизта тўқув дастгоҳи ўрнатилиб, 34 нафар маҳаллий мутахассис томонидан момиқ сочиқлар тайёрланган бўлса, орадан кўп ўтмай, хориждан яна 8 та замонавий ускуна келтирилди. Шу тариқа виллур сочиқ тўқиш имконияти юзага келди. Гарчи, ишлаб чиқариш ҳажми ортган бўлса-да, асосий хом ашё — бўялган ип таъминоти муаммолигича қолди. “Бу вазифани ҳам ўзимиз уддалашимиз зарур”, деган хулосага келишди мутасаддилар.

(Давоми 2-бетда).

**СУРУР**

### Буюк мерос ворисларимиз

Касбим — археолог. Тарихий меросимизни ўрганаман. Бироқ... Ўтмишни ёдга олсам, томоғимга бир нима тиқилгандек бўлади. Собиқ тузум даврида қанчадан-қанча нодир топилмаларимиз олис ўлкага ташиб кетилмади, дейсиз?! Уларнинг ҳар бири тарихимиз тилсимотлари эди. Бутун дунё Ўзбекистонни цивилизация бешиги, деб турган пайтда мустабид тузум “донишманд”лари “Биз сизга маданият берганмиз”, дея таъна тошларини отарди. Мустақиллик ана шу тошларнинг йўлини тўсди.

Юртимизнинг ҳар қарич ери муқаддас. Заминимиз бағрида ноёб бойликлар, тарихимиз яширин. Энди уларнинг барчаси ўзимизники! Бу бойликларни дунёга кўз-кўз этамиз. Энди навбат — бизники!

**Ғайратдин ХОЖАНИЯЗОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**
Қорақалпоғистон Республикаси

### Мустақиллик — нақадар улуғ сўз

“Бор жойда бол арзон, йўқ жойда сув қиммат”, дейдилар. Йўқчиликдан асрасин. Халқимиз бундай азоб-уқубатларни бошидан кўп кечирган. Бир бурда нон анқонинг уруғи, одам шаъни хор бўлган йилларни кўрдик. Очликка, ташналикка чидаш мумкин. Аммо ғурур, ор-номус топталса, ўлимдан оғир. Ахир бош эгиб яшаш қалбни тилкалайди.

Истиқлол инсон қадрини улуғлади. Мағрур яшашга имкон яратди. Бизни шону шарафга буркади.

**Бахтиёр АБДИЕВ,**
**«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**
Китоб тумани

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

## АКТ соҳасидаги изчил алоқалар

Бугунги кунда ҳар бир давлатда барқарор тараққиётга эришиш, дунё миқёсида унинг рақобатдошлик даражасини юксалтириш, катта қулайликлар эшигини очиш, бошқаришни стратегик даражада ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларининг роли тобора ортиб бораяпти.

**АНЖУМАН**

Қайси жабҳага эътибор қаратманг, шунга ишонч ҳосил қиласиз. Айни пайтда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи мазкур соҳага тўғри келаётган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 9 фоиздан ошиши кутилаётгани бунга бир мисолдир. Масалан, Корея Республикасида АКТнинг ЯИМдаги ҳиссаси 11,8 фоиздан зиёд, Швецияда 7 фоиз, Америка Қўшма Штатларида 6,8 фоизга тенг.

Бинобарин, республикамизда ахборот-коммуникация технологияларини изчил ривожлантириш, унинг ҳуқуқий-ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, ушбу йўналишда илғор давлатлар, жумладан, Жанубий Корея тажрибасини ўрганиш, унинг ютуқларини самарали қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизда ташкил этилган эркин ва очиқ таъминот масалалари бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея форумида ана шулар алоҳида таъкидланди. Тадбирда икки мамлакатнинг мазкур соҳада фаолият олиб борувчи компания ҳамда концернлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ишбилармонлар, илмий тадқиқот марказлари вакиллари, етакчи экспертлар ҳамда профессор-ўқитувчилар қатнашди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига, Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг юртимизга давлат ташрифлари ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий жабҳалар қатори ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга туртки берди. Зотан, учрашувлар давомида имзоланган ҳуқуқий ҳужжатлар қатор чора-тадбирларни изчил рўёбга чиқаришга хизмат қилаяпти.

Умуман олганда, мамлакатимизда жамият ҳаётига АКТнинг энг сўнгги ижобий тенденциялари ва инновацияларини олиб кириш ҳамиша диққат-эътиборда турибди. Бунда қатор қонунлар, давлатимиз раҳбарининг Фармон ҳамда қарорлари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилингани пухта пойдевор бўлмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2013 йил 27 июндаги тегишли қарори билан “2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури” тасдиқланиб, унинг ижроси изчил таъминланаяпти. Бошқача айтганда, белгиланган давр ичида 2,1 триллион сўмлик телекоммуникация технологиялари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Корея Республикаси Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажакни режалаштириш вазирлиги ўртасида йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик натижасида айни пайтда “электрон ҳукумат” маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплексини яратишга катта аҳамият қаратилаётир.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари Брюсселда тақдим қилинди

**Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Бельгиянинг "Transorient" туризм компанияси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Бельгиянинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва эксперт доиралари, етакчи сайёҳлик агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

БИЗ ВА ЖАҲОН

Унда ҳозир бўлганлар ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва анъаналари, республикамизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти, замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда турли соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларга оид маълумотлар билан яқиндан таништирилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳудудида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби жаҳонга машҳур, замонавий ҳамда йирик, айни пайтда тарихий-маданий шаҳарлар жойлашган. Улар ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган.

Тақдимот чоғида Андижон вилоятида туризмнинг ривожланишига оид материалларга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур минтақанинг агро ва экосайёҳлик имкониятлари, иқлими ҳамда жуғрофий ўзига хосликлари хусусида атрофлича фикр юритилди.

Маълумки, жорий йилнинг 5 — 7 октябрь кунлари мамлакатимиз пойтахтида XXII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтади. Дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ушбу йирик форум ҳақидаги янгиликлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, юртимизнинг мазкур соҳадаги улкан салоҳияти ҳақида ҳужжатли фильм намойиш қилинди. У иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда сўзга чиққан **"Transorient" сайёҳлик компанияси бош менежери Тери Гахел** жорий йил май ойида диёримизда меҳмон бўлганини айтиб, бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Биз сайёҳлик бозорида ишлаётганимизга ўттиз йилдан ошди, — деди у. — Бу йилдан янги ва истиқболли Ўзбекистон йўналишини ҳам очдик. Республикада тинчлик ҳамда ҳамжиҳатлик, бирдамлик, бағрикенглик муҳити ҳукм сурмоқда. Ўзбек халқи эса саховатли ва меҳмондўст. Бу замин гўзал табиат, қуёшли кунлар тароватi, кўҳна тарих, бой маданият, ноёб урф-одат ҳамда анъаналар, меъморий ёдгорликлар каби бетакрор хусусиятларни ўзида уйғунлаштирган. Уларнинг барчаси сайёҳлик жозибадорлиги нуқтаи назаридан асосий омиллар ҳисобланади. Бинобарин, мижозларимизга Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган кўҳна ва улуғвор шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилишни тавсия этмоқдамиз. Эртакмонанд сафарларни орзиқиб кутаётган бир гуруҳ юртдошларимизни мамлакатингизга юборишни режалаштирганмиз.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Ўз навбатида, **Намюр университети профессори Жулиан Де Вус** мозий ёдгорликлари, моддий маданият ҳамда меъморликнинг бетакрор намуналари, табиат бойликлари ҳамда ранг-барангликларини мужассам қилган Ўзбекистон европалик сайёҳларни оҳанрабодек ўзига тобора кўпроқ тортаётганини айтди.

— Бугунги тақдимот боис, диёрингиз тўғрисидаги янги маълумотлардан воқиф бўлдик, — деди у. — Ўзбек халқининг фарзандлари инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган. Бу ҳақда ҳар қанча сўзласак ҳам оз. Бу замин Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари жаҳонга машҳур мутафаккирлар, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк давлат арбоблари, кўпдан-кўп шоир, файласуф ҳамда алломаларга бешик бўлган. Улар қолдирган улкан мерос дунё илм-фани, маданияти ва санъати хазинасида алоҳида ўрин тутади. Республикада туризм жабҳасини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам диққатга сазовордир. Шубҳасиз, мамлакат ва унинг ҳудудларидаги сайёҳлик инфратузилмасини тараққий топтириш хориж жамоатчилигининг қизиқишлари ўсишига ҳамда сайёҳлар оқимининг ортишига кўмаклашади.

Бельгиядаги **"НТАР" клиникаси доктори Люк Маттисен** эса юртимиз маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳаси эканлигига урғу берар экан, бу ерда бетакрор санъат, ҳунармандчилик, фольклор ҳамда пазандачилик анъаналари шаклланишида катта роль ўйнаганини айтиб ўтди.

— Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдимоти ва намойиш этилган фильм бизларга ушбу гўзал мамлакат тарихи ҳамда унинг бугунги ҳаёти билан ошно бўлиш имкониятини яратди, — деди у. — Ажойиб юртингиз бўйлаб режалаштирган саёҳатим бошланишини интиқлик билан кутмоқдаман.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

ТАНЛОВ

*Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида жойларда ушбу санага бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.*

## Дилларда Ватан мадҳи

Андижонда ташкил этилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вилоят босқичи — шулардан бири.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб ўтган ушбу ижодий беллашувда бир гуруҳ истеъдод эгалари томонидан истиқлол, она-юрт, тинчлик ҳамда бунёдкорлик мавзуида тақдим этилган қўшиқлар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Бунда матн, мусиқа ва ижро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Якунда Асака туманилик Сардорбек Каримов "Эзгулик ўлкаси", Жалақудуқ туманилик Маъруфжон Матмусаев "Ватан", Андижон шаҳри вакили Дилфуза Раҳимова эса "Ўзбекистон, ўзбегим!" қўшиқлари билан совринли ўринларга муносиб топилди.

Энди улар кўрик-танловнинг республика босқичида ўз истеъдодини намойиш этади.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

## «AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2016 йил 23 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан:

**1.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2013 йил 21 ноябрдаги 11-1335/4804-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 22-уйда жойлашган «Чирчиқ гўшт» агрофирмаси ҳудудидаги, маҳсулот тайёрлаш қуввати 120 кг/с бўлган, D 16, 20, 25, 32, 40, 50, 60 мм.ли полиэтилен қувурларини ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот тайёрлаш қуввати 220 кг/с бўлган, D 75, 90 ПО, 125, 140, 160, 180 мм.ли полиэтилен қувурларини ишлаб чиқариш линиялари.

***Бошланғич баҳоси — 203 695 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 16 майдаги 11-1604/3113-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 92-уйда жойлашган, «Чирчиққишлоқмаш» АЖ ҳудудидаги, 400 тонналик кучланишга эга 3 дона гидравлик пресс, 110 тонналик кучланишга эга 4 дона гидравлик пресс, 60 тонналик кучланишга эга 3 дона гидравлик пресс, калава чувашга мослаштирилган металл қирқиш гильотин қайчиси (1 комплект), дуга роботларидан ташкил топган пайвандлаш ускунаси (8 комплект), пайвандлаш роботлари (4 комплект), манипуляцион роботлар (5 комплект).

***Бошланғич баҳоси — 2 360 666 987 сўм.***

**II.** Оҳангарон тумани СИБ томонидан:

**1.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 6 майдаги 1-196-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 561 TTD бўлган «ГБА СПГ ЗАЗ FORZA» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 44 818 276 сўм.***

**2.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 21 январдаги 1-27-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 О 056 QA бўлган «ГБА СПГ ВАЗ-21063» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 7 010 229,40 сўм.***

**III.** Қибрай тумани СИБ томонидан:

**1.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 499 ХАА бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 38 802 062 сўм.***

**2.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 589 GAA бўлган «ГАЗ САЗ-5307» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 10 631 797 сўм.***

**3.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 590 GAA бўлган «ЗИЛ ММЗ-45021» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 9 890 800 сўм.***

**4.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 591 GAA бўлган «ЗИЛ ММЗ-4502» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 25 139 216 сўм.***

**5.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 592 GAA бўлган «ЗИЛ 130КС2561» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 22 754 428 сўм.***

**6.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 593 GAA бўлган «ГАЗ-5312» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 11 103 863 сўм.***

**7.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 594 GAA бўлган «ГАЗ-5204» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 6 722 891 сўм.***

**8.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 596 GAA бўлган «ГАЗ-5204» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 5 796 810 сўм.***

**9.** 2016 йил 16 майдаги 7839/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 597 GAA бўлган «ЗИЛ-431412» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 25 831 325 сўм.***

Шунингдек, 2016 йил 8 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

**Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан:**

**1.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2013 йил 25 ноябрдаги 11-1332/5264-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 140 ААА бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 18 221 400 сўм.***

**2.** 2015 йил 30 октябрдаги бирлаштириш қарорига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 290 ХАА бўлган «Spark» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 31 962 000 сўм.***

**3.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 25 январдаги 11-1505/19638-сонли ва 2016 йил 5 мартдаги 11-1602/1559-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 265 ТАА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 32 307 300 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 25 мартдаги 11-1403/1622-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 414 САА бўлган «Лада 21154-120-20» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 18 478 800 сўм.***

**5.** ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 2016 йил 6 январдаги 1-1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 981 СА бўлган «ГБА СПГ ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 5 936 439 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар ҳамда автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар мол-мулклар ва автотранспорт воситалари бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Auto garant business» МЧЖнинг АТБ «Asia Alliance Bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-61-44.**

Гувоҳнома № 004593.

1075/370

## «Invest ko'chmas mulk savdo» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 25 мартдаги 15-1404/12610-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Х. Ибрагимова номидаги МФЙ, Баҳор кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 470,73 кв. м. бўлган марказий идора бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 379 723 272 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 22 август куни соат 11.00 да ўтказилади.

Савдога қўйилган мулклар билан буюртмачи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 август куни соат 18.00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида савдо объектининг номи ва ижро варақаси рақами, санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Invest ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 22604000300499077001, МФО: 01123, СТИР: 303445495.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Савдога қўйилган кўчмас мулклар ҳужжатлари билан танишиш, савдода иштирок этиш юзасидан саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй, 3-хона. Тел./факс: (0-373) 244-15-29. www.ikms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1067R/499

## «Best realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Конструкторчилар кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 248,47 кв. м., яшаш майдони 126,88 кв. м. қурилиш майдони 180,52 кв. м., томорқа майдони 734,7 кв. м.дан иборат бўлган, 2 қаватли иморат, 6 та яшаш хонаси, ошхона, 2 та даҳлиз, ваннахона, 2 та ҳожатхона, 2 та шийпон, ертўладан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 668 340 904 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 23 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 август куни соат 18.00.

Савдога қўйилган мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ipak yo'li» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036, ИНН: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99895) 193-01-11. www.emulk.uz E-mail: bestrealtor@inbox.uz**

1071R/421

## «OBIDA RIEL PROFFESIONAL» МЧЖ

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Суд қарорларини ижро этиш департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг буюртманомасига асосан, қуйидаги бино ва иншоотлар бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:

* Сўх тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 29 январдаги 15-1509/25777-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сўх» ҚФЙ, «Чашма» МФЙ, Зангат массивида жойлашган, «Сўх МТП» МЧЖга тегишли маъмурий бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 54 160 000 сўм.***

* Сўх тумани, «Соҳибқирон» ҚФЙ, «Тул» МФЙда жойлашган, Озод ширкат хўжалигига тегишли маъмурий бино ҳамда уруғ сақлаш омбори навеси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 195 840 000 сўм.***

* Бувайда тумани СИБ томонидан ЖИБ Бувайда тумани судининг 2016 йил 20 январдаги 1-16/2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бегобод» ҚФЙ, Олтиуғил қишлоғида жойлашган, умумий майдони 350,0 кв. м. бўлган новвойхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 60 045 224 сўм.***

* Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 18 мартдаги 15-1609/1088-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Тайпоқ» ҚФЙ, Хўжа қишлоғида жойлашган, «Ўрай» МЧЖ ҳудудидаги умумий қурилиш майдони 767,44 кв. м. бўлган 0006-литерда омбор, 0009-литерда тарозихона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 122 298 141 сўм.***

* Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 28 мартдаги 15-1303/3599-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Мулкобод» ҚФЙ, Шодлик қишлоғидаги «Шодлик Мулкобод» ММТПга қарашли, қурилиш майдони 348,4 кв. м. бўлган 0001-литердаги маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 45 380 750 сўм.***

* Ўзбекистон тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2016 йил 25 январдаги 458/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Конизар» ҚФЙ, Жангир қишлоғида жойлашган, умумий майдони 196,0 кв. м. бўлган, 8 хонадан иборат ошхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 80 250 000 сўм.***

* Боғдод тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 10 майдаги 15-12-01/6268-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Валижон Жўраев» ММТПга қарашли, Зафаробод қишлоғида жойлашган, умумий қурилиш майдони 1782,0 кв. м. бўлган 0001, 0002-литерлардаги марказий таъмирлаш устахонаси.

***Бошланғич баҳоси — 196 083 213 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 22 август куни соат 17.00 да Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 19 август куни соат 18.00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «OBIDA RIEL PROFFESIONAL» МЧЖнинг АТБ «Савдогарбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904966256001, ИНН: 302256866, МФО: 00500.

Мазкур кўчмас мулклар билан буюртмачи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби мулк учун тўловни 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй. Телефон: (0-595) 400-46-37, www.orp.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*

1068R/498

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-Марказий поликлиникаси жамоаси ультратовуш ташхиси шифокори Елена Духовнаяга отаси

**Евгений ГОРБУНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, унинг “қон томири” ҳисобланмиш мустаҳкам молия-банк тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро миқёсда ривожланишнинг “ўзбек модели” сифатида эътироф этилаётган тадрижий тараққиёт йўли дастуриламал бўлиб хизмат қилаяптики, унинг самараси иқтисодиётимизнинг барча жабҳасида кузатилаётган юксак муваффақиятларда яққол намоён бўлмоқда. Қолаверса, бу каби вазифалар 2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ҳамда барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишга қаратилган дастурда ҳам ўз ифодасини топган. Пировардида айни пайтда банкларнинг жами капитали 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 24,8 фоизга ошиб, охирги беш йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди.*

## Ўзбекистон банк тизими:

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Тижорат банклари капиталини оширишнинг муҳим жиҳати шундаки, бошқа давлатларда маблағлар ликвидлигини таъминлаш, банкларнинг муаммоли активларини сотиб олишга йўналтирилаётган бир пайтда мамлакатимиз банк тизимида бундай ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани қувонарли ҳолдир. Бинобарин, республикамиз тижорат банкларидаги самарадорлик, асосан, ички захиралар ҳамда манбалар ҳисобига таъминланмоқда. Мисол учун, охирги беш йил ичида ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 4,2 баробар ошиб, айни пайтда уларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши 86 фоизни ташкил этаяпти.

Юртимиз банк тизимида кузатилаётган барқарорлик хусусида фикр юритилганда, Президентимиз томонидан соҳани ривожлантириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, иқтисодий инқирознинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва Марказий банкнинг оқилона пул-кредит сиёсатини алоҳида қайд этиш зарур. Хусусан, инфляция даражасининг пасайишини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестициявий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси пасайтирилгани тадбиркорлар учун жуда катта имконият яратди. Бунда, аввало, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар сони ҳамда ҳажмининг кўпайиши ва фоиз ставкаси пасайтирилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий фаоллигини оширишга туртки берган бўлса, иккинчидан, янги ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялашда харажатларни камайтиришга олиб келди.

Бундан ташқари, банклар кредит қўйилмалари таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлиб, асосий капиталга йўналтирилаётган инвестициялар умумий ҳажмида кредитлар улуши сезиларли даражада ошиб бораётир. Бу банк тизимининг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ўсиб бораётганлигидан далолатдир. Шу маънода, айтиш мумкинки, Ўзбекистон банк тизими эришаётган бундай муваффақиятлар халқаро доирада юксак эътироф этилаётгани бежиз эмас. Хусусан, сўнгги йилларда дунёнинг нуфузли “Стандарт энд Пурс”, “Мудис”, “Фитч рейтингс” рейтинг агентликлари миллий банк тизими фаолиятига “Барқарор” юқори рейтинг баҳосини бермоқда.

Ушбу баҳолар банкларнинг тўловга лаёқатлилиги, омонатчиларнинг пул маблағлари дахлсиз сақланаётганлиги, капитали мустаҳкамланиб, активлари ошиб бораётганлиги, кредит портфелининг соғломлиги, фоиз ва кадрлар сиёсати тўғри ишлаб чиқилганлиги, мижозларга халқаро стандартлар асосида замонавий хизмат кўрсатаётганлиги каби омиллар бўйича тақдим этилади. Демак, тижорат банкларимиз бундай талабларни аъло даражада бажариб келмоқда.



### Стратегик вазифалар ижроси

Кадрлар салоҳиятини юксалтириш стратегик вазифаларни изчил амалга оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис мамлакатимизда банк ходимлари меҳнатини интенсивлаш, янги маҳсулот ҳамда технологияларни ўзлаштириш, мутахассис ва раҳбар ходимлар ваколатларини кенгайтириш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш долзарб вазифадир. Шундан келиб чиқиб, банк ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактаби, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси каби нуфузли ташкилотлар томонидан ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курсларида таҳсил олиб, малака оширишмоқда.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон банк тизимида кадрлар сиёсати халқаро стандартлар асосида йўлга қўйилган. Мутахассисларнинг касб одоб-ахлоқ кодексига тўла риоя этаётгани молия муассасаларига бўлган ишонч ортишининг бош омилидир.

### Мижозлар ишончи — муҳим мезон

Бугунги кунда Ўзбекистон молия-банк тизимидаги молия муассасаларида мижозларга қулайлик яратиш мақсадида “Call centr”лар ишга туширилиб, бу ерда ходимлар мурожаат этувчиларга мавжуд хизматлар ёки улар бўйича белгиланган тарифлар юзасидан тўлиқ маълумот бермоқда. Шу билан бирга, ушбу марказ ёрдамида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган кредитлар, карточкалар дастури, омонат турлари, масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш воситалари ва бошқа саволларга батафсил жавоб олиш мумкин.

Бундан ташқари, банклар томонидан вакиллик муносабатлари тармоғининг доимий равишда кенгайтирилаётгани мижозлар учун қўшимча хизматларни таклиф қилаётганида яққол кўринади.

Банкларимизда капиталга таъсир этувчи кредит таваккалчилигини бошқаришда активлар сифатини яхшилаш, диверсификацияланган кредит портфели таркибини шакллантириш, таснифланган кредит активлари бўйича захира яратиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, молия муассасаларида тадбиркорга кредит ажратишда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси мақбул даражада белгилангани алоқаларни мустаҳкамлашда қўл келаяпти. Таққос учун бир рақам: кейинги йилларда МДҲ мамлакатларида қайта молиялаш ставкаси паст бўлишига қарамасдан, кредит қўйилмаларининг ўсиш кўрсаткичи 3 фоиздан 10 фоиз оралиғида ўзгариб турибди. Ўзбекистонда эса мазкур кўрсаткич сўнгги 10 йил мобайнида ўртача 30 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

Банклар хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини нафақат депозитларга жойлаштириш, балки қимматли қоғозларни чиқариш орқали ҳам фаол жалб қилаётгани банкларнинг ресурс маблағларини мустаҳкамлашга имкон бераяпти. Сўнгги беш йилда банкларнинг ресурс базаси таркибида узоқ муддатли омонатларнинг улуши 4,2 баробар ошгани бунинг тасдиғидир.

2009 — 2015 йилларда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўртача йиллик ўсиши 30 фоизни, инвестициявий кредитлар бўйича 36 фоизни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ажратилган кредитлар бўйича 46 фоизни, шу жумладан, микрокредитлар бўйича 57 фоизни ташкил қилгани Ўзбекистон банк тизимида ишонч ҳамда барқарорлик ҳукм сураётганини кўрсатади.

Эришилаётган ушбу натижалар банк омонатчилари, шунингдек, чет эл инвесторларининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончини янада ошириб, халқаро молия бозорларидаги нуфузи бундан-да кўтарилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Банк тизимидаги самарали иқтисодий ислоҳотлар шу йилнинг ўтган ойлари давомида давлатимиз раҳбари томонидан банк тизими олдига қўйилган устувор вазифалар, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси ҳамда белгиланган барча параметр кўрсаткичларнинг сифатли бажарилишида акс этмоқда. Экспертларнинг фикри ва таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон банк тизими 2016 йилда ҳам ўзининг барқарорлигини сақлаб қолади. Бу эса юртимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнес улушининг ортиши билан аҳамиятлидир.

Хуллас, мамлакатимиз банклари тезкор, сифатли ҳамда кенг қамровли хизматлари, инновацион маҳсулотлари билан нафақат мижозлар эътиборини қозонмоқда, балки халқаро экспертларнинг юксак эътирофига ҳам сазовор бўлаётир. Бу Президентимиз раҳнамолигида молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш ва барқарорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларнинг беқиёс самарасидир.

**Марказий банк материаллари асосида Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.**

### ЭЪТИРОФ

**ЛИ Санг Хак,**
**халқаро аудитор (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон банк тизими улкан ресурс базага ҳам эга. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб, бир қатор кредит ташкилотларининг банкрот бўлишига, молия-банк тизимининг ликвидлиги издан чиқишига, кредит ажратиш лаёқати пасайишига олиб келаётган бир пайтда, аниқроғи, 2008 — 2015 йиллар мобайнида Ўзбекистон банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига 40 триллион сўмликдан зиёд, инвестицион мақсадлар учун эса 45 триллион сўмлик кредитлар йўналтирилгани, энг муҳими, ушбу маблағнинг барчаси ташқи қарзларга таянилмасдан, ички манбалар ҳисобидан шакллантирилгани айни муддаодир.

Бу борада тизим раҳбарияти томонидан банклар капиталини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган, тенг манфаатли муносабатлар депозит сиёсати муваффақиятида бош омил бўлаяпти. Сабаби, омонатчилар ўз маблағларини жойлаштиришда, биринчи навбатда, банкнинг ишончлилиги, устама фоиз даражаси, муассасанинг тармоқ бўлинмалари ҳамда хизмат кўрсатиш сифатига алоҳида эътибор қаратади. Ўзбекистон банкларида эса ушбу йўналишдаги ишларнинг барчаси замон талаблари даражасида ташкил этилган.

**КИМ Жонг Сан,**
**Жанубий кореялик инвестор:**

— Ахборот технологиялари соҳасига ихтисослаштирилган корхонамизда юртингиз банклари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон банклари мижозларга жаҳон стандартлари асосида замонавий хизмат кўрсатиб келаяпти. Ҳозирги кунда мамлакатингизнинг энг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли ҳам банкларнинг “СМС-банкинг”, “Мобиль банкинг”, “Банк — мижоз” каби хизматларидан масофадан туриб фойдаланаётгани ана шундан далолат беради.

Бу каби амалий ёрдам туфайли ахборот технологиялари бозорида етакчи провайдерлардан бири сифатида самарали фаолият кўрсатаяпмиз. Бунинг учун ҳукуматингизга миннатдорлик билдирамиз.

**Берт МОССЕЛМАНС,**
**Бельгиянинг “Весалиус” коллежи ректори:**

— Ўзбекистонга неча маротаба ташриф буюрган бўлсам, ҳар сафар бу ерлик ёшларнинг ғайрат-шижоатига қойил қолганман. Бинобарин, юртингизда навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани боис, улар ўз иқтидорларини намойиш этмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитлар уларни янги марралар сари етаклаяпти.

Албатта, банкларнинг бундай ғамхўрлик ва эътибори ёшлар учун улкан имкониятлар эшигини очади.

Ўзбекистоннинг бу тажрибаси, яъни ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари учун махсус дастурлар ишлаб чиқилгани ўрнак бўлишга арзийдиган жиҳатдир.

**Носиржон АТАБАЕВ,**
**“Инвесттекс” қўшма корхонаси директори (Андижон вилояти):**

— Сўнгги йилларда республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётгани соҳа вакилларига қанот бағишламоқда. Мисол учун, тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизга 2000 йилда асос солинган бўлса, ўтган вақт мобайнида кўплаб ютуқларни қўлга киритдик.

Айни пайтда корхонамизда 115 киши меҳнат қилаяпти. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми хориж бозорларига сотилмоқда. Бунда, табиийки, тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. Чунки ўтган йиллар мобайнида молия муассасаларидан бир неча маротаба кредит олиб, фаолиятимизни янада кенгайтириб олдик. Айтайлик, охирги марта “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан ажратилган 750 миллион сўм миқдоридаги кредитга зарур хом ашё, ускуна ва қурилиш материаллари харид қилдик. Асосийси, мазкур кредит жуда қисқа муддатда берилгани ишимизга барака бағишлади.

**ШИН Квон Цик,**
**Жанубий кореялик инвестор:**

— Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги биз каби хорижий инвесторларнинг муваффақиятга эришишида муҳим омил бўлмоқда. Бунга бир неча йиллардан буён фаолият юритаётган ишбилармон сифатида ўзим гувоҳман. Чунки қўшма корхонамизни ривожлантиришда банк раҳбарияти томонидан барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Жумладан, тўлов амалиётларини бажаришда ҳеч қандай муаммо йўқ. Барча амалиётни офисимиздан туриб, “Банк — мижоз” дастури орқали бажараяпмиз. Бу эса вақт ва харажатларни сезиларли даражада қисқартирмоқда.

Бундан ташқари, банкдан бир неча маротаба кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Юртингиздаги қулай ишбилармонлик муҳити туфайли самарали фаолият юритаётганимиздан мамнунмиз. Бунинг учун бизга хизмат кўрсатувчи молия муассасаси жамоасига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

# Истеъдодлар кашф этилди

Асака тумани маданият ва истироҳат боғида аскиячи ҳамда миниатюра театрларининг мамлакат кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур ижодий беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 18 жамоа ўзаро беллашди.

### САНЪАТ

Улар аскиянинг баҳрибайт, сўз ўйини, кочирим, ҳазил-мутойиба, муболаға, пайров сингари жанрларидан фойдаланган ҳолда, маҳоратларини намойиш қилдилар.

Маълумки, аския санъати қадимдан эъзозлаб келинади. Унда халқимизнинг сўзни фасоҳат ҳамда назокат билан акс эттириш санъати ифодаланади. Ушбу ноёб жанр ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

— Мазкур тадбир асносида янги истеъдод соҳиблари кашф қилинди, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази Андижон вилояти бўлими раҳбари Дилмуроджон Сатторов. — Қолаверса, ушбу танловнинг ўтказилиши аҳоли, айниқса, ёшларни номоддий меросимизга, миллий қадриятлару анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Танлов якунида Асака туманининг ёш аскиячилар гуруҳи биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Фарғона, учинчи ўрин эса Бухоро ҳамда Наманган вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Миниатюра театри санъати йўналишида эса Сурхондарёнинг “Қўштирноқ” жамоаси муваффақият қозонди. Андижон вилоятининг “Бешбармоқ” жамоаси иккинчи, Вобкент тумани халқ театри жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

ЭЪЛОН

Qishloq Qurilish Bank

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»**

***компьютерлар ҳамда матрицали тезкор банк принтери қурилмаларини етказиб бериш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.***

Танловда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва/ёки етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда ўхшаш қурилмаларни етказиб бериш тажрибаси мавжуд маҳаллий ва хорижий фирма, ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

1. Танлов савдолари предмети — компьютерлар ҳамда матрицали тезкор банк принтери қурилмаларини етказиб бериш.
2. Танлов комиссиясининг ишчи органи номи ва манзили — АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Ахборот технологиялари департаменти, Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй. Тел.: (+998 71) 150-76-44, 150-76-34, 150-93-39. Масъул шахс: Жалолиддин Маҳкамов.
3. Номзод корхона ҳамда ташкилотлар танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб беришлари лозим. Танлов ҳужжатларини рус тилида юқорида келтирилган манзилдан душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар олиш мумкин.
4. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2016 йил 8 август куни соат 14.00 гача.

1077R/35

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6